

Нўъмонжон ТўРАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
докторанти

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ МУХТАЛАФ АЛ-ҲАДИС БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Мухталаф ал-ҳадис атамаси оҳод ҳадислар ўртасидаги ихтилоф, яъни маънонинг бир-бирига зид кўринишда бўлишига нисбатан ишлатилиб, бундай ҳадислар қўшимча ўрганишни тақазо этади. Ушбу масалага муҳаддислар томонидан катта аҳамият берилган бўлиб, бир ҳадис иллатини билиш кўплаб ҳадисларни ёзиб олишдан афзал ҳисобланган. Жумладан, манбаларда Ибн Маҳдийнинг “Ўзимдаги бир ҳадиснинг иллатини билишим мен учун ўзим билмаган йигирмата ҳадисни ёзиб олишимдан кўра сеvimлироқдир”, дегани ривоят қилинади¹.

Муҳаддислар “илал”² китобларида ҳадисларнинг тўқима экани, ровийсининг ривоятда адашиб кетиши, хатоси, ғалати, ҳадис тўқишини аниқлаш йўлларида бири сифатида унинг собит суннат ёки мутавотир ҳадисларга муҳолиф бўлиб, ушбу ривоятларни жамлаб, таъвил қилиб бўлмаслиги кўрсатилган. Шунингдек, ҳадислар иллатларини аниқлаш учун ягона қоидалар ишлаб чиқилмаган бўлиб, ҳар бир ҳадис алоҳида ўрганилади.

Ҳадисдаги ихтилофларнинг мавқуф ва марфуънинг, муттасил ва мунқатиънинг ўзаро зид келиши, ровийнинг шайхидаги ихтилоф, икки иснод йўлидан бирига бир ровийнинг

қўшилиб қолиши, ровийнинг исми ва насабидаги ихтилоф ҳамда сиқа (ишончли) ва заиф ровийлар тўғрисида иккиланиш бўлиши каби турлари мавжуд³. Қуйида Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асарида мазкур ихтилоф турларининг ишлатилиш ўринлари ўрганилади. Васл ва ирсолнинг ўзаро ихтилофли бўлиши уларнинг биринчиси бўлиб, унда исноди Набий (с.а.в.)га етиб борган ривоят, иснодида саҳобий тушиб қолган ҳадисга зид келиб қолиши назарда тутилади. Асарда бу билан боғлиқ “ал-мурсалу асаҳху” (мурсал саҳиҳроқдир), “ва ҳаза маъа ирсолиҳи асаҳху” (ва бу мурсаллиги билан ҳам саҳиҳроқ), “ва хува мурсалун би-ирсалиҳи асаҳху” (ва бу мурсал, мурсаллиги билан ҳам саҳиҳроқдир), “ва ал-аввалу асаҳху ва ла юсбиту ҳаза ʼанин-Набиййи” (биринчиси саҳиҳроқ. Ушбу наби (с.а.в.)дан собит бўлмаган), “ва ҳаза би-ирсалиҳи ашбаҳу” (ва бу мурсаллиги билан шубҳалироқдир), “ва ҳаза би-инкитоиҳи асаҳху” (ва бу исноддаги узилиш билан ҳам саҳиҳроқдир), “ва ҳаза асаҳху би-ирсолиҳи ва инкитоъиҳи” (ва бу мурсаллиги ва узилиши билан ҳам ишончлироқ) каби иборалар ишлатилганини кўриш мумкин. Мазкур ибораларнинг ишлатилиш ўринлари таҳлилидан маълум бўладики, улар баъзида мурсал ҳадиснинг мавсул ҳадисга нисбатан ишончли эканини кўрсатиш учун ишлатилган. Мисол учун, Муҳаммад ибн Суқа Ғанавий

¹ Ҳоким Найсобурий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Маърифа ʼулум ал-ҳадис. Байрут: Дор ихё ал-ʼулум, 1997. – Б. 359.

² Зоҳиран саломат кўринган аммо саҳиҳлигига путур етказувчи бир сабаб бўлган ҳадис. Қаранг: Ибн Салоҳ Абу Амр Усмон. Маърифа анваъ улум ал-ҳадис. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2002. – Б. 187.

³ Ибн Ҳажар Аскалоний, Абулфазл Аҳмад ибн Али. Ан-Нукт ʼала китоб ибн ас-Салоҳ. САП: ал-Жомийа ал-Исломийя, 1984. – Ж. 2. – Б. 778.

Куфийнинг таржимаи ҳолида, Имом Бухорий, бир ривоятни келтириб, унинг 3 та ривоят йўллари баён қилади. Жумладан,

Муҳаммад ибн Суқа Ибн Динордан, у Ибн Умардан, у Умардан, у Набий (с.а.в.)дан;

Язид ибн Ҳод Ибн Динордан, у Ибн Шиҳобдан, у Умардан, у Набий (с.а.в.)дан;

Ибн Динордан, у Абу Солиҳдан. Шундан йўнг, иккинчи йўлдаги Ибн Ҳоднинг ҳадиси мурсал экани, аммо шунга қарамасдан саҳиҳроқ эканини таъкидлайди⁴.

Имом Бухорий ушбу ривоят йўлларида бири муттасил, иккинчиси эса мунқатиъ эканлигини таъкидлайди. Исноддаги узилиш Ибн Шиҳоб ва Умар ўртасида бўлиб, ушбу узилиш унга жиддий таъсир кўрсатмайди. Бу ерда бир йўлнинг иккинчисидан афзаллиги, Язид ибн Ҳоднинг Муҳаммад ибн Суқадан афзаллиги билан боғлиқ. Жумладан, Язид ибн Абдуллоҳ ибн Усома ибн Ҳод Лайсий кичик тобейлардан бўлиб, ҳадисда имом, ҳофиз, ҳужжа бўлгани ривоят қилинади⁵.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Улоса биографиясида, Имом Бухорий бир ривоят келтиради. Ушбу ривоятнинг 2 та ровийлар занжирини келтиради. Улар:

Авсий Ибн Улосадан, у Ҳишомдан, у Ибн Сиридан, у Абу Ҳурайрадан, у Набий (с.а.в.)дан;

Абдулқоҳир Ҳишомдан, у Умар ибн Муҳаммад ибн Мункадирдан, у отасидан, у Абу Ҳурайрадан, у Набий (с.а.в.)дан. Шундан сўнг, Бухорий иккинчи занжирнинг саҳиҳроқ бўлиш билан биргаликда, мурсал эканини айтади⁶.

Мазкур иборалар, шунингдек, мавсул ҳадиснинг мурсал ҳадисдан кўра ишончлироқ эканини кўрсатиш учун ҳам ишлатилган. Мисол учун, Билол ибн Ҳорис Музаний таржимаи ҳолида бир ҳадисни келтириб, унинг 4 та занжирини баён этади. Дастлабки 2 та ривоят

ровийлар занжирини зикр этгач, улар орасида ишончлироғини белгилаб беради. Жумладан:

Абдуллоҳ бин Муҳаммад Муҳаммад ибн Бишрдан, у Муҳаммад ибн Амрдан, у отасидан, у отаси Алқамадан, у Билол ибн Ҳорисдан, у Набий (с.а.в.)дан;

Молик Муҳаммад ибн Амрдан, у отасидан, у Билолдан, у Набий (с.а.в.)дан. Молик ушбу ривоятда Алқам ибн Ваққосни тушириб қолдирган. Имом Бухорий иккинчи ривоят, яъни муттасил иснодли ҳадиснинг саҳиҳроқ эканини айтади⁷.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, аксарият ҳолда мурсал ривоятни муттасил ривоятга нисбатан ишончлироқ эканини кўрсатади.

Вақф ва рафънинг ўзаро ихтилофли бўлиши асарда баён этилган ихтилофнинг иккинчи тури ҳисобланади. Имом Бухорий “ат-Тарих ал-кабир”нинг кўп ўринларида бир ҳадиснинг бир нечта ровийлар занжирини келтирганини кўриш мумкин. Эътибор берилса, ушбу ҳолатларнинг баъзиларида икки йўлнинг қайси бири ишончлироқ экани баён этилмаган бўлса, бошқаларида мавқуф хабарларни марфуъдан ишончли экани ва яна бошқа ўринларда марфуънинг мавқуфдан ишончли экани таъкидланганини ҳам кўриш мумкин. Қуйида ушбу ҳолатларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтилади. Жумладан, баъзи ўринларда мавқуф ва марфуънинг ўзаро ихтилофи кўрсатилган, аммо улардан қайси бири ишончли экани айтилмаган. Мисол учун, Иброҳим ибн Нашитнинг таржимаи ҳолида кўчат экишнинг фазли тўғрисидаги ривоят келтирилган бўлиб, ушбу ривоятнинг Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Ато ибн Абу Рабоҳдан, у Жобир ибн Абдуллоҳдан ҳамда Абдумалик Атодан, у Жобир ибн Абдуллоҳдан келтирган 2 та ривоят занжири марфуъ даражасида бўлиб, Ибн Журайж Атодан, у Жобир ибн Абдуллоҳдан келтирган учинчи занжир эса мавқуф даражасида бўлиб, Имом Бухорий марфуъ ривоятни мавқуф ривоятдаги ишончлироқ ровий сабабидан иллатли, деб белгиламоқда. Шу билан бирга, мавқуф ривоятда Жобир ибн Абдуллоҳнинг ушбу ривоятни Набий (с.а.в.)

⁴ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Ж. 1. – Б. 102.

⁵ Қаранг: Заҳабий, Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад. Сияр аълам ан-нубало. Байрут: Муассаса ар-рисола, 2001. – Ж. 6. – Б. 188.

⁶ Қаранг: Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ўша асар. – Ж. 1. – Б. 132.

⁷ Ўша асар. – Ж. 2. – Б. 106.

нинг ўзидан эшитганида шубҳалангани, аммо саҳобийлардан эшитгани аниқ эканини таъкидланган⁸.

Баъзида эса, мавқуф ривоятнинг марфуъдан ишончлироқ эканини кўрсатиб берилганини кўриш мумкин. Масалан, Муҳаммад ибн Баён Тағлибийнинг таржимаи ҳолида унинг Ибн Умарнинг қарзда дирҳам бериб, диноларда қайтариб олишни қарих кўргани (макруҳ деб билгани), савдода эса бундай эмаслиги тўғрисидаги ривоятни келтирилган. Шундан сўнг, ушбу ривоятнинг Саид ибн Мусайяб ва бошқалар Ибн Умардан: “ла баъса биҳи” (қароҳияти йўқ) деган ривоятни қилишганини ва ушбу ривоят ишончлироқ эканини кўрсатади. Сўнгра, ишончлироқ ривоятнинг иснодини марфуъ эканини кўрсатиш мақсадида Ҳаммод ибн Саламанинг Симокдан, унинг Саид ибн Жубайрдан, унинг Ибн Умардан қилган ривоятида Набий (с.а.в.)нинг “ла баъса биҳи” деганлари тўғрисидаги ривоятни келтиради. Шундан сўнг, Довуднинг Саиддан, унинг Ибн Умардан “ла баъса биҳи” деганини таъкидлайди⁹. Ушбу ривоятда Имом Бухорий мавқуфни марфуъдан ишончли эканини кўрсатади. Мазкур ривоят исноди ҳамда ривоят йўллари таҳлилидан қуйидагилар маълум бўлади:

ушбу ривоятни Айюб Нофеъдан, у Ибн Умардан мавқуф ҳолда;

Қатода Саид ибн Мусайябдан, у Ибн Умардан мавқуф ҳолда;

Яҳё ибн Абу Исҳоқ Солимдан, у Ибн Умардан мавқуф ҳолда ривоят қилинган бўлиб, фақатгина Симок ибн Ҳарбнинг ривояти марфуъ ҳолда келтирилган. Аммо, муҳаддислар юқоридаги Симок ибн Ҳарбнинг ўзидангина ривоят қилинган ривоятлар ҳужжат сифатида қабул қилинмаган¹⁰.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ушбу ўринда мавқуф ривоятнинг марфуъ ривоятдан кўра ишончлироқ бўлиши сабаби марфуънинг ровийси жарҳ этилгани ҳамда мавқуф ривоятлар

бир нечта ривоят йўлидан ҳамда ишончли ровийлардан ривоят қилинганидир.

Иброҳим ибн Исмоил ибн Муҷаммиънинг таржимаи ҳоли баёнида “Ҳадя бериш” тўғрисидаги ривоятнинг 2 та ривоят йўллари келтиради¹¹. Жумладан:

Вакиъ Иброҳимдан, у Амр ибн Динордан, у Абу Ҳурайрадан, у рафъ ҳолда (Набий (с.а.в.) га нисбат берган ҳолда) ривоят қилган йўл;

Ибн Уяйна Амрдан, у Солимдан, у Ибн Умардан, у Умардан мавқуф ҳолда ривоят қилган йўл. Шундан сўнг, Имом Бухорий иккинчи йўлнинг ишончлироқ эканини кўрсатади. Ушбу ривоятнинг Иброҳим ибн Исмоил ибн Муҷаммиънинг таржимаи ҳоли баёнида келтирилгани ҳамда унинг биринчи ривоят йўлида тургани инобатга олинса, рафънинг иллатли бўлиш сабабларидан бири ушбу ровийнинг ҳадис ривоятида кўплаб хатоларга йўл қўйгани экани ойдинлашади.

Баъзи ўринларда эса, марфуъ ривоятни мавқуфдан кўра ишончли экани кўрсатилган. Ушбу кўринишдаги таржихни асарнинг фақатгина 1 ўрнида кузатиш мумкин. Жумладан, Абдурахмон ибн Абу Лабиднинг таржимаи ҳолида унинг Абу Жуҳайфадан мавқуф ҳолда қилган ривоятини келтирган. Шундан сўнг, Шуъбанинг Авн (ибн Абу Жуҳайфа)дан, унинг отасидан, у Набий (с.а.в.)га нисбат берган ҳолда қилган ривоятини келтириб, унинг машҳурроқ эканини таъкидлайди. Марфуъ ривоятнинг иллоти сабаби унинг ровийси Абдурахмон ибн Абу Лабиднинг “маскутун анху” (у ҳақда сукут қилинган)лардан бўлганидир¹².

Ровий шайхининг исми ўзаро ихтилофли бўлиши асардаги ихтилофларнинг учинчи туридир. Баъзи ўринларда ровийлар ўз шайхининг исмини турли сабабларга кўра адаштириб зикр қилиши мумкин. Бу эса ҳадиснинг иллатли бўлишига сабаб бўлади. “ат-Тарих ал-кабир”да ушбу кўринишдаги ихтилофларни ҳам учратиш мумкин. Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Талҳа ибн Убайдуллоҳ Қурашийнинг таржимаи ҳолида келтирилган

⁸ Ўша асар. – Ж. 1. – Б. 331.

⁹ Ўша асар. – Ж. 1. – Б. 45-46.

¹⁰ Қаранг: Ибн Ҳажар, Абулфазл Аҳмад ибн Али. Ат-Талхис ал-ҳубайр фий таҳриж аҳодис ар-рофиъий ал-кабир. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1989. – Ж. 3. – Б. 70; Ибн Ҳажар. Таҳзиб ат-таҳзиб. – Ж. 4. – Б. 204-205.

¹¹ Қаранг: Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ўша асар. – Ж. 1. – Б. 271.

¹² Қаранг: Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ўша асар. – Ж. 5. – Б. 342; Ибн Абу Ҳотим. Ал-Жарху ва ат-таъдил. – Ж. 5. – Б. 280.

ривоятни ушбу турга мисол сифатида келтириш мумкин. Жумладан, биринчи йўлда Ибн Ақил Иброҳим ибн Муҳаммаддан, у *Имрон ибн Талҳадан*, у онаси Ҳамана бинт Жаҳшдан ривоят қилади. Иккинчи йўлда Иброҳим ибн Муҳаммаднинг шайхи *Умар ибн Талҳа* экани баён қилинади. Имом Бухорий ушбу икки йўл орасидан биринчи йўлнинг ишончлироқ экани, яъни Иброҳим ибн Муҳаммад шайхининг исми Умар ибн Талҳа эмас, балки Имрон ибн Талҳа эканини кўрсатади¹³.

Иснодда ровийнинг қўшилиб ёки тушиб қолиши “ат-Тарих ал-кабир”да келтирилган ҳадислардаги ихтилофнинг тўртинчи туридир. Бунда бир ҳадис икки йўл билан ривоят қилинган бўлиб, улардан бирида қайсидир табақада битта ровий қўшилиб қолиши мумкин. Иккинчи ривоят ровийлар занжирида ушбу ровийнинг учрамаслиги ривоятларни тадқиқ этиш ва улардан ишончлисини аниқлашни тақозо этади. Муҳаддислар ушбу масалага ҳам жиддий эътибор бериб, уларни ўз асарларида баён этишган. Ушбу мавзуда Хатиб Бағдодий “Тамйиз ал-мазид фий муттасилил-иснод” асарини ёзгани маълум. Ибн Жамоа иснодда ровийнинг қўшилиб қолиши занжирдаги ровийлардан бирининг шубҳа ёки адашиши оқибатида рўй беришини айтади¹⁴.

“ат-Тарих ал-кабир” асарида кўплаб ривоятлар иснодга ровий қўшилиб ёки тушиб қолиши сабабидан иллатли, деб топилган. Масалан, Иброҳим ибн Мурранинг таржимаи ҳолида бир ҳадиснинг иккита ривоят йўли келтирилган бўлиб, ушбу йўлларнинг бирида Иброҳим ибн Мурра Зухрийдан, у Абу Салама ибн Абдурахмондан, у Абу Ҳурайрадан ривоят қилади. Иккинчи йўлда эса, биринчи йўлдаги Абу Ҳурайра зикр этилмайди. Имом Бухорий ушбу йўллардан биринчиси, яъни марфу ҳолда ривоят қилингани ишончли эканини айтади¹⁵.

Асарда Билол ибн Ҳориснинг таржимаи ҳолида бир ҳадис келтирилиб, унинг иккита

йўли зикр этилганини кўриш мумкин. Ушбу йўллардан бири Муҳаммад ибн Амрнинг отасидан, унинг отаси Алқамадан, унинг Билол ибн Ҳорисдан, унинг Набий (с.а.в) дан деб, ривоят қилинади. Иккинчи йўлда эса, Муҳаммад ибн Амрнинг отасидан, унинг Алқамадан ривоят қилгани келтирилади. Имом Бухорий биринчи йўлни ишончли эканини кўрсатиб, иснодда узилиш бўлган иккинчи туруқни иллатли, деб ҳисоблайди¹⁶.

Юқоридаги икки мисолда Имом Бухорий исноднинг тушиб қолиши ёки қўшилиб қолиши сабабидан иллатли деб топилган ривоят йўлини баён қилиб, ишончлисини “асахху” сўзи орқали баён қилиб берган. Асарни кузатиш давомида бир неча ўринларда Имом Бухорий исноддаги зиёдалик бўлган ривоят йўлини ҳам келтириб, улардан қайси бири ишончли эканини баён этмаганини ҳам кўриш мумкин. Масалан, асарда Муҳаммад ибн Нил Фихрийнинг таржимаи ҳоли баёнида Набий (с.а.в.)дан “Бу ерда бўлганларингиз бошқаларга етказсинки, тонг отгандан кейин икки ракъат намозгина бор”, деган маънодаги ҳадис келтирилади. Ушбу ривоятнинг биринчи йўлида ҳадиснинг иккинчи қисми, яъни “тонг отгандан кейин икки ракъат намозгина бор” қисми келтирилиб, уни Муҳаммад ибн Нил Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилгани қайд қилинади. Иккинчи туруқда эса, ҳадиснинг биринчи қисми келтирилиб, иснодда Муҳаммад ибн Нил ва Абдуллоҳ ибн Умар орасида Абу Бакр ибн Язид ибн Саржис ҳам зикр этилади¹⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Имом Бухорий асарда ровийлар занжири йўлларининг ўзаро фаркли бўлиб қолиши нуктаи назаридан ҳадисларнинг иллатли, деб топилишига оид кўплаб мисолларни келтирган. Улар орасида васл ва ирсолнинг ўзаро ихтилофли бўлиши, вақф ва рафънинг ўзаро ихтилофли бўлиши, ровий шайхининг исми ўзаро ихтилофли бўлиши, иснодда ровийнинг қўшилиб ёки тушиб қолиши кабилар бўлиб, муҳаддис ҳадис иллатларига оид илмлардан бўлган “мухталаф ал-ҳадис”га жиддий эътибор қаратган.

¹³ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ўша асар. – Ж. 1. – Б. 315.

¹⁴ Ибн Жамоа, Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Саъдуллоҳ ибн Жамоа. Ал-Минҳал ар-равий фий мухтасар улум ал-ҳадис ан-набавий. Дамашқ: Дор ал-фикр, 1986. – Б. 71.

¹⁵ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ўша асар. – Ж. 1. – Б. 329.

¹⁶ Қаранг: Ўша асар. – Ж. 2. – Б. 106.

¹⁷ Қаранг: Ўша асар. – Ж. 1. – Б. 251.